# МИЛЛАТ ҲАМ БУТУНДИР, ВАТАН ҲАМ БУТУН

Боши биринчи бетда

*Эй тикларим, бекларим-ей,*
*бирлашинглар,*
*Ҳийлаларга чора топинг,*
*тиллашинглар!*
*Шундай халқни ҳийлалардан*
*асраб қолинг,*
*Ёлғонлардан,*
*офатлардан асраб*
*қолинг!*
*Оға қани,*
*Ини қани, унутманглар,*
*Гиж-гижламанг,*
*Гина-гудур юритманглар!*
*Ёмонотлиғ бўлманг,*
*беклар*
*Бирлашинглар!*
*Давлат қуринг,*
*Яхши сўзла*
*тиллашинглар!*

Энг қадимий қўлёзмаларда исми, тарихи бизга етиб келган Култегиннинг бу нидоси юрагимнинг бир нуқтасида ғужанак бўлиб ётган оғриққа тегиб кетди, уни қўзғатди.

*Эй Турк Будун,*
*Хатоларинг жондан ўтди.*
*Тариқмидинг*
*Бу тарихга келганинг шу*
*Саҳроларда тариқ каби*
*Потраб кетдинг...*

Хаёлан минг-минг йиллар изга қайтдим, юрагимдаги ҳозир уйғонган оғриқ билан, алам билан такрорладим бу мисраларни.

...Қорақалпоғистонга сафарим чоғида ўлкашунослик музейини кўргани кирдим. Элликқалъа, Тупроққалъа, Гулдурсун каби ёдгорликларимиз қазилганида топилган буюмлар териб қўйилибди. Сув қувурлари бўлаклари, сувни муздай сақлайдиган (ўзига хос музлатгич-да) идиш, ов анжомлари, зеби-зийнат буюмлари... Булар шу қадар мукаммал, шу қадар беқурски уларга қараб туриб, қалъаларнинг олим, фозиллари, ҳунармандлар дарров ёнимга келгандай бўлдилар. Ва дарров, «Култегин нидоси»да ёзилган «Бирлашинг!»ни ўқиганимда юрагимда қўзғалган оғриқнинг исмини топдим. Ахир бундай қалъалар фақат вақт ҳукми билан емирилмайди-ку! Фақат Вақт нуратмайди-ку, бундай қалъаларни!

*Ғариб халқим, тиклан энди,*
*Ғариб халқим, эл бўлгин!*
*Эл беклари, эр беклари!*
*Ширин сухан тил бўлгин!*

*Кўпай халқим, сен ўзингдан*
*Тўлдир дала-даштларни.*
*Асло қайтма сен изингга*
*Қайтмасин ҳеч шаштларинг!*

*Эй бекларим, эр бекларим,*
*Энди яхши англанглар.*
*Йўллиқ тегин*
*дерлар мени,*
*Ҳар ўгитим*
*тингланглар!*

*Азиз бўлинг ҳам*
*меҳрибон,*
*Сийланг*
*бир-бирингизни.*
*Тиклан энди, улуғ*
*ҳоқон,*
*Йўқотманг*
*йўлингизни.*

Кўҳна битиклардан Йўллиқ тегиннинг ҳам Култегин қавмиданлиги маълум, Бир қараганда «Дарёга ботаётган қуёш» муаллифи ўзини-ўзи қайтараётгандек, такрор-такрор, «Бирлашинглар, биру бор» бўлинглар чорловига қайтаётгандек туюлади. Аммо Гулистон опа бу даъватларни хаёлот оламига эмас, тарихий ҳақиқатларга суяниб такрорлайди. Балки шунинг учундир «Култегин нидоси»да дилимнинг туб-тубини ачиштирган алам Йўллиқ тегин сўзидан сўнг куйдира бошлайди.



Инкорим йўқ, Тангри бизни кўп улуғ инсонлар билан сийлаган. Кўп ботир, эътиқодли юракларни мукофотга бериб суйган ва айни пайтда синаган.

*Ақлинг озод, руҳинг озод —*
*камолот сенда*

Бу шоира тасаввуридаги Мавлоно Жалоллиддин Румий. Ҳа. Тангрим бизга Жалолиддин Румийни берди. Нажмиддин Куброни берди. («Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик» деган нидоси бор шоира қалбидан ўтган).

Абу Райҳон Берунийни берди, Жалолиддинни берди. Бу исмларнинг ўзиёқ юрагимга Култегин нидосидан тушган, Йўллиқ тегин нидосидан кучайган оғриқни бироз пасанда этади. «Худо бизни барибир яхши кўради. Шу мурувватингни кўп кўрма, дариғ тутма» деб астойдил ёлвора бошлайман.

Мен Гулистон опанинг сатрлари билан:

*Бизнинг қадим улуғ боболар*
*Тарк этмади тарих саҳнасин.*
*Қай номдаги салтанат тузиб,*
*Баландлатди замин елкасин.*

*Туғилдилар ўт-олов ичра,*
*Самандардай оташда ёниб,*
*Салтанатин бир ёни Хитой,*
*Бир ён Эрон томон*
*туташиб...*

*Донг таратди улкан*
*ҳоқонлик,*
*Буриб тарих*
*дарёларини.*
*Рум, Ҳиндистон*
*ўлкаларига*
*Ёйди меҳр,*
*зиёларини.*

*Бир асрнинг*
*ниҳоясида*
*Бир арафа кўрсатди*
*жамол.*
*Улуғ халқни яратди*
*тарих,*
*Осмонига ярашди*
*ҳилол.*

*деб ғурурлансам-да,*
*кўксим осмонласа-да*

*Тарих тарих*
*Тақдир тақдир-да!*

Қондошлар-жондошлар орасидаги мулк, мансаб талашишлар, сотқинликлар билан боғлиқ барча тарихларимиздан қанча хижолат тортмайлик, синмайлик, майда-майда бўлиб кетмайлик, бу иллат бор гапда! Ёмон кўрганимиз билан тарих саҳифаларимиздан юлиб ташлай олмаймиз-да!

Айнан тарихимизда ноҳақлик, тарқоқлик деган иллат борлиги учун ҳам Чингизхон тупроғимизга мўру малоҳдек бостириб кира олган. Буғдойзорларимизга ўт қўйган. Китобларимизни куйдирган. Аёлларни, болаларни қирғин қилган. Хўрлаган, таҳқирлаган. Агар ўшанда Жалолиддин Мангубердимиз бир эмас, ўн эмас, борингки юз эмас, минг-миллион бўлганда эди... Ва ўша Жалолиддинларнинг боши битта бўлганда эди, қайси Чингизхон юрак ютиб бу тупроққа қадам қўя оларди?

Во дариғ!

Ичинг ёниб кетади, тутаб кетасан! Ва ўзимдан чиқаётган дудлар ичида Чингизхонга куллуқ қилаётган, кафтига қўйган бир дона олтинга оғзининг сўлаги оқиб маҳлиё ўтирган, янги хонликларга тайёр кўзи кўзимга, сўзи сўзимга ўхшаган бир маҳлуқни кўраман!

Дод дегим келади. ...У менинг эмас, биздан эмас!» деб тонсам ҳам, фарёд солсам ҳам ўн аср аввалдан туриб кўзи, қоши, сўзи билан менга тегишли эканлигини айтиб тураверади. Энди мен йиғламай, ким йиғласин! Бас! Эл-улус шундай йиғлаб турган замонларда Соҳибқирон Амир Темурни берди Худойим!

*Куйладим юртнинг ҳар ғамига*
*Тирилдим изтиробдан.*
*...Қонлар билан ювди, кўрдим,*
*Эл дардини йигитлар!*
*...Ҳаққин олдим золимлардан*
*Бегуноҳ мазлумларнинг.*
*...Шижоатга кишиларни*
*Ақлан билдим, дўст тутдим.*
*...Огоҳ бўлдим халқ ҳолидан*
*Сийладим раиятни*

Шоиранинг соҳибқирон бобомизга боғланган сатрларига хаёлим кенгликларида нилий ранг мисралар, миноралар қад кўтаради. Боғлар шовуллайди. Дарёлар қирғоқларидан ошиб-ошиб сас беради. Тулпорлар кишнайди ва бу азиз кўринишлар аро қат-қат китоблар офтобда нур сочади... Ғазаллар овозланади. Шоҳрухмирзо, Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий — бу каби исмлар юрагимни қишнинг чилласидаги ёз ҳароратидай иситиб юборади.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА**
**Давоми бор.**

## «МТ» ЛУҒАТХОНАСИ

***Шарқшунос Шароф Мирзо «Инглизча-ўзбекча-русча» мақол ва маталлар китобини ёзиб тугатди. Унинг ғоятда фойдали қўлёзмасини китоб қилиб чиқаришга талабгорлар ҳам топилиб қолар.***

***«МТ» ўз ўқувчиларини бу қўлёзма билан таништириб боришга қарор қилди.***

SHAROF MIRZO
ENGLISH-UZBEK-RUSSIAN
PROVERBS AND SAYINGS

INGLIZCHA-O'ZBEKCHA-RUSCHA
MAQOL
VA MATALLAR
АНГЛО-УЗБЕКСКО-РУССКИЕ
ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ

1. A bad workman always blames his tools.
Yomon kosib bigiz tanlar.
Мастер глуп — нож туп.
2. A bird in the hand is worth two in the bush.
Yo'ldagi ikki gushdan go'ldagi bir qush yaxshi.
Лучше воробей в руке, чем петух на кровле.
3. A black hen lays a white egg.
Taka bo'lisin — u sut bersin.
От черной коровы да белое молочко.
4. A blint leader of the blind.
Ko'r ko'mi yetaklar, do'st — do'stni.
Слепой слепого далеко не уведёт.
5. A burnt child dreads the fire.
Sutdan og'zi kuygan gatigni ham puflab ichar.
Обжегшись на молоке, дуют на воду.
6. A chain no stronger than its weakest link.
Arg'amchiga qil quvvat. / Ip ingichka yeridan uzilar.
Где тонко, там и рвётся.
7. A dog in manger.
Birovga bersam, essiz oshim, uyda tursa, sasir oshim.
Собака на сене.
8. A drowning man will clutch at a straw.
Cho'kkanga cho'p madad.
Утопающий хватается за соломинку.
9. A fool always rushes to the fore.
Ahmog horiganini bilmas.
Дурак всегда лезет вперёд.
10. A fool and money are soon parted.
Pul topguncha aql top. / Hisobini bilmagan hamyonidan ayrilar.
У дурака в горсти дыра.

*Иқтисод аршини*

# ЖАМИЯТ БОЙЛИГИНИНГ АСОСИ

Боши биринчи бетда

оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда «режали иш бузилмас», «маслаҳатли тўй тарқамас», «режасиз иш — қолипсиз ғишт», «режали иш — ҳамиша беш» каби мақоллар ҳам ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш пала-партиш, муваффақиятсиз тугаши мумкин деган маънода қўлланилади. Оила иқтисодида бюджетнинг роли катта. Оиланинг жами пули, даромадлари ва сарф-харажатлари оила бюджетини ташкил қилади. Оиланинг қанча даромади, қанча харажати мавжудлиги бюджетда ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг моддий бақувватлиги — оила даромадини моҳирона кўпайтириш ва уни хўжаликни юритишда моҳирона сарфлашга боғлиқ. Тежамкорлик эса оила фаровонлигини таъминловчи муҳим ахлоқий-маънавий қадрият ҳисобланади. Тежамкорлик — хасислик ёки зиқналик эмас, балки, унинг мазмунида — оила маблағини қаттиқ назорат қилиш, ҳалол меҳнат эвазига келган пул ва рўзғор анжом-ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларни қадрлаш, авайлаб-асраш, иқтисод илмини чуқур билиш, эҳтиёткорлик, нафсни идора этиш, бойваччалик орқасида бўладиган манманликдан ўзни тийиш, ҳар бир нарсадан унумли фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш демакдир.





Мамлакатимизда ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тежамкорликни талаб этади. Оиладаги нарсаларни тежайдиган инсон, давлат, мамлакат бойликларини, мол-мулкини авайлаб-асрайди. Шунинг учун ҳам ушбу фазилат ҳозирги замон кишиси учун ҳаётий эҳтиёж, турмуш тарзини юксак даражага кўтарувчи маънавий етуклик мезонидир. Инсондаги «мен» ва «меники» тушунчасининг юксак даражада шаклланиши «бу оила меники», «оиладаги ҳар бир нарсага мен жавобгарман», «экин майдонлари, ишлаб турган корхона, станок меники, мен уларнинг эгасиман» деган тушунчаларнинг, унинг онгида қўрғошиндек мустаҳкам муҳрланиб қолиши ўз-ўзидан оилада, иш ўрнида, атроф-муҳитда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қилади. Мустақиллик шарофати билан уй-жой, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, хусусий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилганлиги, қишлоқ хўжалигида оила пудрати, деҳқон хўжалиги, фермерлик фаолиятларининг ташкил этилганлиги ҳар бир фуқаро онгида «мен» ва «меники» тушунчаларини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Тежамкорлик сабоқлари ота-она, буви-бобо намунасида бола онги, ҳатти-ҳаракатига сингиб боради. Халқимизда «тежоғлик уй — бежоғлик уй», «йўлини билган бир йил етим, йўлини билмаган минг йил етим», «кўрпангга қараб оёқ узат», «тежоғлик уйнинг баракаси бор» каби нақллар шунчаки айтилмаган. Оиладаги катта ёшдагиларнинг амаллари, халқ нақллари воситасида болаларда оила иқтисодини юритишда малака ва кўникмалар шаклланиб боради.

Ота-она болага ойлик маошини режали сарфлаш, рўзғор учун кераксиз нарсаларни харид қилмаслик, мол дунё йиғишга ружу қўймаслик, ўғирлик, тамагирлик, ёлғон сўзлашдан йироқ бўлиш, озиқ-овқат маҳсулотларини исрофгарчилик билан сарф қилмаслик, ички ва устки кийимлар, пойабзалларни ўз ўрнида эҳтиёткорона, тоза-озода, дазмоллаб кийиш, ҳар кунлик ҳаётидан шукроналар билан яшаш, хонадонни ортиқча, киши руҳиятида сиқув пайдо қиладиган анжомларсиз баҳаво, ихчам, дид билан безалган, саранжом-саришта тутиш, оиланинг хўжалик харажатларини тежаш мақсадида мавжуд ер майдонларидан мевали дарахтлар, гуллар, полиз маҳсулотлари экиб, унумли фойдаланиш, пала-партиш кийинмаслик, урфдан чиқиб қолган кийимлардан рўзғорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, рўзғор асбоб-анжомларини таъмирлаш ҳунарларини билиши билан намуна бўлиши зарур.

Оила эҳтиёжини унинг имкониятига қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоида амал қилинмаслик оқибатида иқтисодда режасизлик, баракасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилади. Суви қочган нонни кесиб қуритиш ўрнига уни молга бериш, ҳатто ахлатга ташлаш, меҳмон сонига қараб харид қилиш ёки таом тайёрлашга амал қилмаслик, аёллар ва қизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони албатта харид қилиш, кийиши, янги келиннинг ота-она, қайнота-қайнона қилган 50-60 та сарупосини кийиб улгурмасдан янги-янгиларини харид қилиши, меъёрсиз таом тайёрлаш ва уни исроф қилиш, оила даромадини ҳисобга олмасдан кийиниш, ичиш, чекиш каби иллатларга берилиш, ортиқча сарф-харажатлар билан тўй-маъракалар ўтказиш, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш, ўғил уйлантираётганда ёки қизни турмушга бераётганда эҳтиёжидан ортиқ мол дунё бериш, рўзғор буюмларини ҳадя қилиш, қудалар ўртасида ортиқча урф-одатлар, расм-русумларнинг, оилавий тантаналарнинг ўтказилиши, оила иқтисодига салбий таъсир этади.

Тўй ва маърака, мотам маросимларини ўтказишдан мақсад ўзини нимага қодирлигини халққа кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз хурсандчилиги ва хафачилигини дўсту биродарлар билан баҳам кўриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, оламдан ўтганларнинг руҳини хотирлаш ва қадрлашдан иборатдир. Баъзи нобакор фарзандлар ота-онани тириклигида йўқлаш, ёрдам бериш, оғир юмушларини енгиллаштиришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар оламдан ўтганларидан сўнг эса ўзларининг сохта меҳрибончиликларини, бойваччаликларини намойиш этиш билан кўрсатмоқчи бўладилар. Мотам маросими дастурхони тўй дастурхонига нисбатан ҳам тўкин-сочин қилиб безатилади. Халқимизда бир нақл бор: «Ота-онанг ўлгандан сўнг минг кун йиғлагандан кўра, тириклигида бир кун йўқла». Шунинг учун ота-онага қиладиган барча яхшиликларни унинг тириклигида қилмоқ зарур. Бу ўринда юртбошимизнинг фикрлари барча учун дастуриламал бўлмоғи зарур. Президентимиз «аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик. Қанийди, онагинам тирик бўлсалар, дунёни сайру-саёҳат қилдириб келмасмидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ғанимат билиб, қадрига етайлик» — дейдилар.

Дарҳақиқат, турмушда зарур бўлган барча нарсаларга осонликча, меҳнатсиз эга бўлган ёш келин-куёвда ота-она меҳнатини қадрлаш, рўзғор буюмларини авайлаб-асраш, тежаш, оиланинг моддий хўжалик вазифасини бажариш учун интилиш қаёқда бўлсин?

Оиланинг ҳар бир аъзоси бор-йўққа, қаноат қилишга ўрганиши лозим. Меҳнатга ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиш ва касби орқали топган даромадига қаноат қилиш ҳам оилани мустаҳкамлайди. «Қаноат деб жанобиi Ҳақ тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етишдуғимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган фақр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилур. Қаноат, ҳасад, тама, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг даъвоси нафсимизнинг ғиносидур».

*(Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи», 1992. 22-бет).*

Меҳнат билан топилган бойлик қадрли бўлади, меҳнатнинг қадрини билганларгина меҳнат эвазига келган бойликни қадрлайди, тежайди, ноўрин сарфламайди. Ота-онанинг вазифаси фарзандни заруратдан ортиқ рўзғор асбоб-анжомлари билан таъминлаш, едириш, кийинтириш, боқишдан иборат эмас, аксинча, оила бошқариш, тежамкорлик сабоқларини улар онгига сингдиришдан иборатдир. Фарзандлар истиқболини ўйлаган ота-она уларга касб-ҳунар сирларини ўргатади. Қизиқишлари бўйича чуқур илм олишлари учун шароит яратиб беради, бўш вақтларини унумли ташкил этади, меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантиради.

Мол йиғиш, унга мойиллик инсонга хос хусусиятдир. Мол-пул, буюм, қимматли қоғозлар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо материаллардан бўлган уй-рўзғор ашёлари, кийим-кечак, нодир китоблар ва бошқалар тарзида бўлиши мумкин. Молни икки хилда: бири ота-боболардан мерос, иккинчиси тежалган оила бюджети ҳисобига йиғиш мумкин.

Шунингдек, Абдулло Авлоний айтганидек: «Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчиликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «билган битар, билмаган йитар» замони келди». Чунки ота-онанинг фарзандларига мерос бериши қадимдан одат тусига кириб қолган. Ақлли фарзанд ота-онаси ҳадя этган меросдан оқилона фойдаланишга, уни кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Меъёридан ортиқ мерос узоқни кўра олмайдиган фарзандни боқиманда, дангаса, текинхўр, ишёқмас қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ота-онанинг асосий вазифаларидан бири фарзандга мерос қилиб қолдираётган молни ўз ўрнида сарфлаш, режалаштириш ва бошқариш йўл-йўриқларидан ҳам сабоқ бермоғи зарур. Албатта, оиланинг аъзолари ейиши, кийиши ва бошқа кундалик эҳтиёжларини бутунлай чегаралаш ҳисобига мол йиғиш мумкин эмас. Мол йиғишдан мақсад ҳаётда учраши мумкин бўлган оғир кунларда, кундалик ҳаётий эҳтиёжни қондириш зарурати пайдо бўлганда, фарзандларни мустақил ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратиш лозим бўлган тақдирда фойдаланишдан иборатдир. Тўпланган мол-дунё эзгу мақсад йўлида сарфланмаса, у кишини йўлдан чиқаради, баднафслик касалига мубтало этади. Инсон учун моддий бойлик эмас маънавий бойлик ҳаётий эҳтиёждир. Шунинг учун моддий бойликдан илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, дунёни билиш, меҳр-саховат, ҳиммат кўрсатиш йўлида фойдаланмоқ зарур. Турли нопок йўллар билан осонликча қўлга киритилган бойлик қандай келган бўлса, шундай йўқ бўлади. Мисқоллаб йиғилган мол-дунёдан ўз ўрнида фойдалана билиш ҳам санъатдир. Мол-дунёга ўта меҳр қўйиш, бойлик ҳирсига берилиш, унинг орқасидан қувиш, бойлик орттириш мақсадида ўғрилик, жиноятчилик, хоинлик, сотқинликдан ҳам қайтмаслик инсонни жаҳолат ботқоғига ғарқ этади, инсонийлик туйғуларидан маҳрум қилади, очкўзлик касалига мубтало этади.

Очкўзлик хасисликнинг пойдеворидир. Хасислик, зиқналик инсонга хос бўлмаган хусусият бўлиб, очкўзликнинг бир кўринишидир. Хасис одам очкўзлик билан бойлик, мол-дунё йиғади, ундан на ўзи, на бошқаларнинг фойдаланишини истамайди. Унинг учун шукр қилиш, қаноат, ҳиммат, саховат тушунчалари бутунлай ётдир! У ўз бойлиги, мол-дунёси хавотири билан яшайди. Хасис одамлар муҳтож, бева-бечоралар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, етим-есирларга нисбатан эзгулик, одамийлик қилмайдилар. Бу тоифадаги кишилар ҳатто оила аъзоларини ҳам емоқ, ичмоқ, киймоқдан азоб берадилар. Хасис инсонни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Бойлик орқасидан қувиш — касалликдир. Бу касаллик инсонни ичкилик, гиёҳвандлик, зино, қиморбозликка майлини оширади. Бунинг натижаси эса оиланинг барбод бўлишидир.

Донишмандлар шундай таълим берадилар: «Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстларидан дариғ тутмағил. Ҳар ҳолда молни гўрингга олиб бормагунгдур. Аммо дахлинг (даромадинг) на чоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай.

Бор молингга қаноатда бўлғил, қаноат туганмас ганждур ва сенга, албатта етишгусидир... Аммо исрофни шум эътиқод қилғил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Исроф танҳо молнинг харжида эмас, балки овқатда, хулқда, сўзламакда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдар, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ биландур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғ фатила (пилик)нинг бошига келиб, чироқ ўчур. У ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидан мамотиға (сўнишига) сабаб бўлур.

Донишлар дебдурларким, ҳеч бир ишда исроф қилмағил, исроф қилғувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тирикликни талх қилгундек қаттиқлик қилмағил. Рўзғорингнинг зарурий ишларида тақсир нуқсон кўргазмағил. Жонингға ажбар қилмағил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдан азиз эмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йиғинғон, қиморбозларға эътиқод қилмағил. Барча кишини ўғри гумон этмағил, токи молинг ўғридан омон бўлғай».

(Кайковус Унсурмаолий. Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1986, 72-75 саҳифалар).

Мусулмончиликда исроф қилиш гуноҳдир. Оиланинг иқтисодини исроф қилиш уни қашшоқликка, йўқчиликка маҳкум этиш демакдир. Оилада йўқчилик оқибатида уриш-жанжал пайдо бўлади, фарзандлар жиноятга қўл уради. Ўзгалар мол-дунёсига ҳасад қилиш келиб чиқади. Халқимиз ичида «нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан» деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Шунинг учун оиладаги ҳар бир нарсани, оила иқтисодининг ҳар бир сўмини тежаш ва исроф қилмаслик, унинг оқибатини фарзандлар онгига сингдирмоқ зарур.

Сахийлик, ҳотамтойлик инсон фазилатининг кўркидир. Оила иқтисодининг тежалган қисмидан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, сўнгра дўсту биродарларга эҳсон қилиш қадимдан шаклланиб келган қадрият ҳисобланади. Муҳтожликда яшаётган ён қўшнига ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш ҳотамтойликдир. Ўзи бой-бадавлат дўсту биродарларга катта-катта зиёфатлар бериш такаббурликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Оилада сарф-харажатлар доимо назоратда бўлмоғи зарур. «Ҳисобли дўст ажралмас» деган нақл мавжуд.

Оила аъзоларининг ойлик даромади, кундалик эҳтиёжи учун чиқимлар ҳажми, тежамкорлик асосида йиғилган жамғармаси ёзма равишда мунтазам ҳисоб-китоб қилинган тақдирда исрофгарчиликка ҳам, оиланинг қашшоқлашиб кетишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳар бир кишининг ўз билганича, оила бошлиқлари билан маслаҳатлашмасдан харажат қилишлари ҳам исрофгарчиликка олиб келади. Бундай оилада қут-барака бўлмайди.

Демак, оила иқтисодида кирим билан чиқимнинг бир-бирига мутаносиб бўлмоғи, яъни чиқимнинг киримдан кўпайиб кетмаслигига алоҳида аҳамият бермоқ зарур.

Шундай қилиб, оила иқтисодини чуқур билиш, унга амал қилиш оила фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Оиланинг иқтисодий барқарорлиги эса давлатнинг, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти омилидир.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
**педагогика фанлари доктори,**
**профессор**

# ТУПРОҚҚА ЎТ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ



«— Мен сизларга нима ёмонлик қилувдим, одамлар?

Дадажон, бувижон, мениям ёнларингга чақириб олинглар!!!»

Қоқ тун ярмида кўчадан келаётган бу фарёд уйқумни учириб юборди. Ахир бу Аҳтам-ку, Раҳматжон ака, Ҳидоятхон ая (ҳар икковиниям худо раҳмат қилган бўлсин)ларнинг ўртанча ўғли. Ўтган ҳафта кўрган эдим, ишга кириб олганидан хурсанд, «энди тўйимизнинг бошида турасизларда, опа», деган.

Онам ҳам «уф» тортиб, ўрнига ўтириб олади.

— Заркентга бориб, ўзлари боп қизга «оқ кийиб» келувдик. Қуда бўлмишнинг нариги маҳаллада уруғи бор экан, суриштиргани келса, кимдир ёмонлабди. «Ҳеч қаерда ишламайди, тузалмайдиган касали бор» дейишибди. Вой тавба, мунча бировга ёмонлик сиғинишмаса?! Шу шўрлик етим йигитнинг ёши, мана, ўттизга боряпти, боши иккита бўлсин, орқасида тўртта укаси турибди, дейиш йўқ. Рост гап бўлса майли. Аҳтам ишлаяпти, касаллиги ҳам рост — ҳа, сариқ бўлган икки марта. Мундай суриштирсанг, маҳалламизда «сариқ» бўлмаганнинг ўзи йўқ-ку. Осмонга бўй чўзган баланд қувурлардан бурқсиб чиқадиган тутунларни бу ерда «тулки думи» дейшади. Шу «тулкидум» тушмагур касал қилади-да... Ким касал бўлмабди дейсиз. Шу етимнинг асли бахти очилмади-очилмади-да.

Аҳтам бақириб-бақириб, ҳўнграб, ўкириб йиғлашга ўтди. Эҳтимол, ота-онаси ўлганда ҳам бу қадар алам билан бўзламагандир. Бўғзимга нимадир тиқилади, унинг ёнига чиққим, юпатгим келади.

— Юринг, ойи, чиқиб юпатайлик.

— Қўй, кайфи бор шекилли, изза бўлмасин, сени «опам, опам» деб жуда ҳурмат қилади. Яқинда бир ҳафта ишидан рухсат олиб, уйларини, ҳовли деворларини оқлади, ҳовлиларидан тўй ҳиди келиб қолувди-я. Суриштирадиган одам маҳалла оқсоқолига келмайдими, дастурхончисидан сўрамайдими? Етимни қақшатган ёмон, болам, етимни бекуда қақшатган жуда ёмон.

Аҳтамнинг овози ниҳоят тинди. Маҳалладан чиқишиб, уни тинчлантирганларнинг ғовур-ғувури эшитилди.

Онам эса менга дейди:

— Бўғилма қизим, тупроққа ўт қўйиб бўлмайди, одамзот бошига не иш тушса, кўради, ўнг томонингга ёнбошлаб, беш-ўн қур калима келтирсанг, кўзинг илинади-қолади.

Ухлолмадим. Онажонимнинг кўзлари илинишларини пойлаб, аста-аста айвонга чиқдим. Маҳалламда яхши ишлар қатори, ҳаёт экан, рўй бераётган оғриқларнинг юрагимда акс-садоси келар, қўлим ўз-ўзидан қоғоз-қаламга югурарди.

...Асрорнинг тўй оқшоми. Қўли юпқалик, қарз-ҳавола билан бўлса-да, Раҳматжон ака тўнғичини уйламоқда. Куёвнавкарлар орасида қоп-қора костюм-шими, оппоқ кўйлаги, «Марғилон» дўпписи ўзига бирам ярашган Асрор ойдай бўлиб турарди. Кўчада қўл қовуштирганча меҳмон кузатаётган ота ўғлига ора-чора фахр ила боқиб, уринган костюми чўнтагидан рўмолча олиб, кўзларини артиб-артиб қўярди.

*...Заргар қилган занжирни*
*Узиб бўлмас, ёр-ёр.*
*Худо қилган тақдирни*
*Бузиб бўлмас,ёр-ёр...*

Чилдирманинг бака-банги, маҳзун ёр-ёрлар ила келин келди. Ҳовли остонасидан уч-тўрт метр берида икки боғлам ғўзапояни бир-бирига суяб:, ўт ёқишди. Елкасига беқасам тўн солган куёв келинни машинадан даст кўтариб тушираркан, қўшни дарвоза ёнига «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Қўшнининг уйидан Раҳматжон акани замбилда олиб чиқишди.

## Қайдасан оқибат?

Ҳа, баъзан шодлик ҳам касалванд юракка оғирлик қиларкан, Раҳматжон ака йўлдаёқ узилибди. «Тез ёрдам» машинаси елдек учиб борар, қизларнинг ёр-ёри уни қувлаб келарди:

***Ўз отамнинг эшиги ифор эшик***
***ёр-ёр,***
***Ўтсанг-кетсанг сочларингдан***
***силар эшик, ёр-ёр.***
***Қайнотамнинг эшиги тикан***
***эшик, ёр-ёр,***
***Ўтсанг-кетсанг сочларингдан***
***илар эшик, ёр-ёр...***

Олти болани касалванд аёлига ташлаб, бу ёлғон дунёга қўл силтаб кетган Раҳматжон аканинг ўлимини «келиннинг қадамидан» дегувчилар ҳам булди. Шунда маҳалла оқсоқоли Муҳаммад тоға — «Раҳматлининг куни битган экан, олибди, яхшилар. Ҳар хил гап юритиб, Ҳидоятхоннинг кўнглини келинидан совутиб қўйманглар, яратганга ҳам хуш келмайди бу иш» деди.

Бемаҳал ўлим Ҳидоят опани ҳам тўшакка михлади-қўйди. Раҳматжон аканинг биринчи ҳайити куни Ҳидоят опани ҳам тупроққа топширишди.

***Сойларга битган сим терак,***
***сим теракка сув керак,***
***Ўғилларингнинг тўйида жоним***
***онам, сен керак.***
***Осмондаги булутни ёғмайди***
***хаёл айладим,***
***Жоним онам ғарибимни***
***ўлмайди хаёл айладим...***

* * *

Ота-она ўтганига саккиз йилдан ошди. Икки қизни қариндош-уруғ, маҳалла-кўй мадад қилиб турмушга узатишди. Ҳозир ҳайҳотдек ҳовлида уч оға-ини ва бир сингил яшайдилар. Аҳтам ўттизни қоралаяпти. Элнура 21 дан ўтди. Шавкат ва Шоят ўн саккизни тўлдиришди. Ойлар, йиллар, умр ўтмоқда. Ҳамма ўз ташвиши ўзи билан бўлиб қолди. Биров бировдан ўпкалайдиган пайт эмас. Аммо нима бўлганда ҳам Аҳтам ва унинг жигарлари бу дунёдан тоқ ўтмаслиги керак. Ахир, бир-биримизга мадад бўлиб, юракдаги юкларни биргалашиб тортиб яшашимиз керакмасми, одамлар? Балки, ана шундай ҳамдардлик ила ҳаёт машаққатларини енгармиз. Савоб, одамгарчилик моҳияти ҳам балки ана шундадир.

Бу ўткинчи дунёда ўзини бамисоли мусофир, ўтиб борувчи йўловчи янглиғ ҳис этиб яшаётган инсон, меҳр булоғингиздан оқибатга ташна қалбларга бир қултум илина оласизми? Эзгуликка қодир эмас экансиз, жилла қурса, ёмонлик қилмаслик қўлингиздан келадими??

**Маҳфуза УСМОНОВА**
**Фарғона шаҳри**

# ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

## ДОМЛА ЭЛБЕК ЁҚҚАН ЧИРОҚ

*Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ*

«... Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотига қайтмоқда».

Дарвоқе, муҳтарам Президентимизнинг юқоридаги фикрлари исботи ўлароқ, яқинда бўлиб ўтган бир ажойиб тадбир билан боғлиқ воқеаларни эслашимга эрк берсам узрлидир. Бу тадбир Ўзбекистон маданияти ва халқ таълими тараққиётига катта ҳисса қўшган таниқли шоир ва педагог олим Машриқ Юнусов-Элбек таваллудининг юз йиллигига бағишланган бўлиб, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани маркази — Ғазалкент шаҳрида ўтди. Ниҳоятда тантанавор ва шодиёналик билан нишонланган бу муборак маросимга Республикамизнинг узоқ-яқин элатларидаги адабий жамоатчилик вакиллари ёғилиб келди. Ғазалкентнинг энг кўркам жойида табаррук адибнинг улкан ҳайкали очилди. Ҳайкал пойида ҳам, расмий йиғилишда ҳам домла Элбекнинг миллий маънавиятимиз гуллаб-яшнаши йўлида, қадриятларимизнинг равнақи, шарқона урф-одатларимизни эъзозлаш борасида кўрсатган жонфидоликлари тўғрисида бирин-кетин сўзга чиқанлар тўлқинланиб гапиришди, илҳомбахш шеърларидан ўқиб беришди. Айниқса, улкан мутафаккирнинг ўғли Улуғбек Элбеков, таниқли элбекшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарали Узоқов шоирнинг исёнкор ҳаёти, охир-оқибатдаги тақдири ҳақида қайнаб-тошиб ҳикоя қилар экан, қаерда ўтирганимни ҳам унутиб қўйдим ва бундан олтмиш уч йил муқаддам бўлиб ўтган воқеалар ўз қаърига чорлаб кетганини ҳам сезмай қолдим...

Ўттизинчи йиллар бошларида халқимиз энг оғир дамларни бошидан кечирар, турмуши ночор, нон карточкаси (заборний) билан ўлчаб бериладиган насибасига қорни тўйиб-тўймай, айримлари катакдай ҳовли-жойларида аранг етиштирган бир кафт дондунни авайлаб сарфлаш билан оиласини боқарди. Ҳар йилги қишдан эсон-омон чиқиб олишни ўйлаб, эртанги кунгагина умид боғлаб ўтарди умри. Барибир йилдан-йилга кун баттар, дегандай бири икки бўлмасди ҳеч. Аммо ниҳоятда илмга чанқоқ эди бари. Биргина Наманган шаҳрининг қатор маҳаллаларида саводсизликни битириш курслари ташкил қилинган бўлиб, уй бекаларигача фаол қатнашарди унга. Янги мактаблар эса етишмасди чоғи. Ана шундай СБ, ЧБ масканларидан бири бизнинг Ҳожибой савунгар (кейинчалик «Қизил шарқ») маҳалласидаги аллақайси бойнинг кўп хонали уйларига жойлашган бўлиб, унда кундузлари аёллар, ишдан кейин эса эркаклар таълим олишарди. Эркакларга менинг дадам — Муҳиддин Абдуллахонов дарс берса, аёлларни онам Шаҳрибону ўқитарди. Дарслар янги «Алифбе» бўйича олиб борилар, эртаю-кеч ўша ҳовли орқали таралган «От.., ота.., тақо.., она.., бола.., бобо.., момо..,» дея ҳарфни ҳарфга уриштириб, ҳижжалаб ўқилгандаги ингичка, мулойим, бўғиқ ва дўриллаган овозлар кўча-кўй, ён-вердаги ҳовлиларга баралла эшитлииб турар, бундан ҳеч ким нолимас, қайтага андак муддатга тинчиб, нафаслари чиқмай қолса, хавотирга тушиб, ўша ёққа югуришиб ҳам қолишарди. Бундай жойларга шаҳар марказидаги «Шарқ» хиёбонига жойлашган катта чойхона аҳён-аҳён турли томошалар кўрсатиб турадиган труппа артистлари ҳам бот-бот келиб туришар, ўз санъатларини намойиш этиш билан ўқувчилар дилини хушлашар, дарсларга янада фаолроқ қатнашишларига иштиёғ уйғотишарди. Бундай тадбирларнинг мутасаддилари бўлмиш ажойиб шеърлари, ҳажвиялари бутун Фарғона водийсига танилган, мазмундор ваъзлари, тарбиявий ўгитлари билан эл ҳурматини қозонган — Ўзбекистонда энг биринчи халқ шоири деган шарафли унвонга сазовор бўлган Муҳаммадшариф Сўфизода, таниқли маърифатпарвар шоир Рафиқ Мўмин (бизлар уни Рафиқий деб атар эдик), Холиқий, Маорифий, Олим Шамсилар ҳам мазкур масканларга бот-бот қадам ранжида қилиб турардилар. Айниқса, Сўфизода (биз уни Шариф домла деба атар эдик) дарслар қандай ўтилаётганлигини кузатар, нималарга муҳтожлик сезилаётганидан кун ора хабар олиб турмаса, кўнгли ўрнига тушмасди ҳеч. Шундай кунларнинг бирида секин дадамни ташқарига чақириб:

— Муҳиддинхон, омадинг юришганга ўхшайди, — дея суюнчи олгандай бўлади, — Тошкентдан жуда эътиборли аллома келган, ҳозир депарадаги мактабларни текшириб юрибди. Эртаиндин бу ерга ҳам келиб-кетиши эҳтимоли йўқ эмас, уёқ-бу ёқларни тартибга солиб, ҳовлига сув сепиб қўйинглар. Ишончим комилки, сенинг ўқитиш усулларингдан мамнун бўлади у, тажрибангни элу-юртга ёйиб, донғингни бутун жумҳуриятга таратиши мумкин. Ҳа, мени айтди дерсан...

Дадам бир ёқдан хурсанд бўлса, иккинчи ёқдан ваҳимага тушади:

— Домла, бизлар ҳали мақтанишга арзирли юмушнинг уддасидан чиқаолганимизча йўқку? — дейди ҳеч кутилмаганда юрагига ғашлик илашиб, — Тошкандай жойдан келадиган каттаконлар олдида уялиб қолмасмикинмиз?

— У ҳеч қанақа каттакон эмас, Муҳиддинхон, санминан манга ўхшаган одам, — дея босиқлик билан тушунтиради Шариф домла, — келганида кўрарсан, ҳар гапидан бол томади унинг. Санга ўхшаган зиё таратувчиларнинг ҳурматини ўрнига қўядиган жуда. Камчил жойинг бўлса, бажонидил тузатади. Эҳтиёжингни айтсанг, ёрдамини аямайди. Шу важдан атайи келган Тошкентдан. Миллатпарвар одам, илм аҳлининг жонкуяри, зукко шоир ҳам. Шеърларини эшитсанг, ҳузур қиласан. Маориф соҳасида талай китоблар, дарсликлар чоп этдирган. Манда борларидан сангаям олиб келиб бераман. Ўқиб, ул одам ҳақидаги тасаввурингни бойитиб тур...

— Шундай улуғ зотнинг исмшарифларини айтмадингиз-ку, домла?

— Машриқ Юнусов! Элбек тахаллуси билан шеър битади. Ўттиз олти-ўттиз етти ёшларда. Илмда унинг олдига тушадиганлар камдан-кам ҳозир.

Шариф домла ўша пайтлар олтмиш беш-олтмиш олти ёшларда бўлиб, ўрта бўй, кенг гавдали, оқиш сочлари сийрак, ияк соқоли ва қуюқ мўйлаби тўлача юзини безаб тургандай, пешонаси кенг, мош-гуруч қуюқ қошлари остидаги йирик-йирик кўзлари эса кишига маънодор ва аллақандай меҳр-шафқат билан боқар, эгнида доим кул ранг лас камзул бўлиб, кўкрак чўнтагидан ён соатининг кумуш занжири осилиб турар, камзул устидан йўл-йўл юпқа беқасам тўн кийиб юрарди. Бировнинг гапига қулоқ солиб турган ёки бирон мактуб ўқиётган маҳали жигар ранг ғилофчадан кўзойнагини суғуриб оларди-да, кўзига яқин ушлаб тураверарди. У дадамни ҳам ўқитган, ҳар жиҳатдан устозлик қилар, ҳатто отаболадай бўлиб кетишган эди. Дадам уни бир ҳафта кўрмаса, эсанкираб, бир нарсасини йўқотгандай, юраги тўкилиб тургандай ҳис қиларди ўзини. Домла Элбек келади деб дарак етгач, эртасигаёқ тонгда унинг қаламига мансуб икки-уч қўлланмалар, бир шеър тўплами ва она тили соҳасида ёзган мақолалари чоп этилган икки нусха газета ҳам ташлаб кетибди.

Дадам уларни шошиб ўқишга киришади. Онам эса шогирдлари билан бирга ўқувхоналар, ҳовли беткайи, йўлакларга сув сепиб, супириб-сидиришга тушади. Ҳаммаёқ ёғ тушса ялагундай топ-тозалангандан кейингина тарқайдилар.

Аммо эртаси ҳам, индини ҳам шунча мақталган табаррук зотдан дарак бўлмайди. Шариф домла ҳам худди ўчакишгандай қорасини ҳам кўрсатмай қўйган. Бутун маҳалла аҳли кутади уни. Кунига уч-тўрт борадан келиб, кўча эшигимиз зулпинини қоқишиб, «ҳалиям дараклари йўқми?» дея сўрашади. Менинг ёшим саккизда, Жуҳут маҳалладаги 21-нчи бошланғич ўрта мактабнинг иккинчи синфида ўқийман. Аълочиман. Шунинг учун анча-мунча обрўйим бор. Синфдошларим ҳам раъйимга қараб иш тутишади доим. Кўча бошида азиз меҳмоннинг йўлини пойлаб, навбатчилик қилишга ҳам фаол қатнашишади. Бизни кўрган, ўтган-кетганлар бирор янгилик айтармикин, деб оғзимизни пойлашади. Орадан беш кун ўтгандан кейин эса савол беришдан зерикишди шекилли, индамайдиган бўлишади.

Бу орада дадам Наманганнинг кўзга кўринган зиёлиларига хабар қилиб, мабодо домла Элбек бизникига ташриф буюрсалар, оёқлари остига қўй юмалатиб, қон чиқариш ниятлари борлиги, унинг гўштини биргаликда баҳам кўришларини сўраб, таклиф қилиб қўйган. Шу боисдан улар ҳам кўз-қулоқ.

Бировни кутишдан ёмони йўқ экан. Орадан ўтган ҳар кунинггина эмас, ҳар соатинг бир йилга тенгдай. Охир-оқибат ҳаммамизнинг ҳафсаламиз пир бўлиб, азиз меҳмоннинг келишидан паққос умидимиз узилади.

Худди ана шу оқшом эшигимиз олдига извош келиб тўхтайди. Ундан биринчи бўлиб тушган Шариф домла ҳовлиқиб кириб, суюнчи олади. Айни маҳал узун бўй, қомати тик, эгнидаги қора лас камзули устидан енгил банорас чопон кийган ўттиз беш-ўттиз олти ёшлардаги, кўзлари тийран, кўкиш духоба дўппили киши пайдо бўлади. Унинг сочлари қоп-қора, тўғри қиррали бурни остидаги қуюқ мўйлови ниҳоятда ўзига ярашиб, қалин лаблари узра қалин соя ташлаб тургандай. Худди ана шу кўркам қиёфада андак виқор ҳамда қандайдир мумтозлик барқ уриб турса ҳам, тиниқ ва оқиш юзларида акс этган хушнуд жилмайиш ҳийла оддийлик, шу билан бирга ўзига хос ўктамлик бахш этардики, бундан беихтиёр дилингиз яйраб, қалбингизнинг аллақаерига қуюқ нур қуйилгандай бўларди.

Истиқболига пешвоз юрган дадамни у худди эски қадрдонларидай кенг қулоч ёйиб, қучоқлаб олади. Унинг ортидан кетма-кет кирган ўрта бўй, сарғиш юзли, қалин сочлари устидан тўрт гулли чуст дўпписини бостириб олган, ўзига тўқ муллаваччалардай ясан-тусанни ўрнига қўйган йигирма олти-йигирма етти ёшлардаги қирчиллама йигит сўрашишга навбат кутиб, сипо сақлаб туради.

— Бизнинг шогирдлардан, — дея уни таништиради Шариф домла, аста жилмайиб, — оти Йўлдошвой, Фарғонада бир меъёр таълим олган, ҳозир Чустнинг Олмос қишлоғида адабиёт илмидан дарс беради. Яхши сифатлари кўп, — ҳазилга ўтади кейин, — аммо ҳийла гапдон, кўрган-билганини ичига сиғдира олмаса керак-да, баъзида мияни ачитиб юборади.

Ўртада енгил кулги кўтарилади. Йўлдошвой деганлари аслида Йўлдош Шамшаров бўлиб, кейинчалик ажойиб очерклар, ҳикоялар, «Чироқ» романи билан талабчан китобхонларнинг меҳрини қозонган етук журналист ва ёзувчи бўлиб етишгани маълум.

Мен югуриб-елиб бир қўлимда чилобчин, иккинчи қўлимда обдаста ушлаб уларга тутаман. Қўл, юзларини ювишлари билан сочиқ бераман. Дадам қўй сўйишга ошиқади. Аммо Шариф домла буни сезиб қолиб:

— Эртага ҳам кун бор-ку, Муҳиддинхон? — дея уни шаштидан қайтаради.

Ҳовли саҳнидаги сўрига жой қиламиз, кўрпачалар соламиз, қордай оппоқ дастурхон ёзиб, топган-тутганларимиз билан уни тузатамиз. Онам шилпилдоқ қилишга уннаб кетади. Ниҳоят кўпдан орзиқиб кутилган меҳмонлар келганидан дарак топган қўни-қўшниларнинг бири тугун оши, иккинчиси угра, яна бошқалари иккита зоғора, арпа нон, туршак, жийда кўтаришиб киришади. Бола-бақралар эса таърифи достон қилинган табаррук зотни бир кўриш мақсадида девор-тошлардан мўралашади, ёш-яланг аёллар рўмоллари билан юзларини яширган тариқа атроф томларга чиқиб олишган.

Меҳмонлар чордона қурган сўри лабида мошина қўшиқ (патефон)дан «Ҳил-ҳила ёрим уйғонсин», «Олмача-анорингга балли» қўшиқлари янграйди. Суҳбат маҳали эса домла Элбек кўрсатгич бармоғи билан мўйлабини аста силаб туриб, бу атрофдаги илми маърифат ишлари қай аҳволдалиги билан қизиқади.

Сўфизоданинг ёши улуғлиги ва ижодий фаолияти билан бутун Фарғона водийсида обрў-эътибор қозонганлигини инобатга олса керакки, меҳмон унга алоҳида ҳурмат ва нозик тавозе билан муносабатда бўлар ва икки гапнинг бирида «отахон» дея мурожаат қиларди.

— Аввал таом, тақсир, қани дастурхонга қарасинлар, — дея Шариф домланинг таклифига жавобан у:

— Қуллуқ, отахон, қуллуқ, аввал ўзларидан... — дея қўлини кўксига қўярди.

Андак тамадди қилиниб олингач, яна гап бошлайди у:

— Табиат оддий инсондан улуғроқ нарсани кашф этолмаган ҳали. Одамзод қайси ирқ, қайси мазҳабга мансуб бўлмасин, у мунтазам эъзозланиши керак, демоқчиман. Бугунги жафакаш халқимизнинг эртанги куни порлоқ, билинглар. Ана шу келажакни яқинлатмоқ учун бугунги авлодга илм бериб, онгини ошириб, маданиятли қилиб, янги инсон яратмоқ сиз билан бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу ишга лоқайд қарасак, Аллоҳ таолога ҳам, келгуси наслларга ҳам ёқмаймиз асло! Мен талай бўлисларда бўлиб, таълим-тарбияга қай даражада аҳамият берилаётганини кузатдим. Одамлар эса илмга қанчалик чанқоқлигини назардан кечирдим. Ўзини униб-ўсмоққа даъват этган оддий гиёҳ қуёш сари қанчалик интилгани каби улар ҳам маърифат сари шунчалик интиладилар. Лекин шарт-шароит ҳар даҳада бир хилда эмас. Усул-таълим дастурлари йўқ. Ёш-яланг кундузлари бўз тўқиш, косибчилик, дала ишлари билан банд бўлиб, ҳориб-чарчаб келиб, пахта пилиги аранг милтиллаган қора чироқ тутунини ютиб, китоб мутоала қилишади. Дарсликлар, дафтар-қалам етишмайди. Қўлланмаларни тушунишга қодир муаллимлар саноқли. Бўлис ижроқўмларидан улар учун чироқ, лампа мойи, пиликкача ундириб беришга тўғри келди. Бордию, сизларда ҳам аҳволот шундай бўлса, аминманки, ҳали-бери узоққа боролмаймиз, тақсирлар! Эл-улус ҳақида астойдил ғам чекмаслик, миллий маънавиятимиз ривожига лоқайд бўлиш инсон қадрини менсимаслик билан баробардир. Унда келажакни ҳавас қилишдан на мурод?

Шариф домла ҳийла ётиклик билан бу атрофдаги мактаблар аҳвлолтидан қисқагина ахборот бериб, депарага нисбатан шаҳарда ўқиш-ўқитиш ишлари бир мунча дурустлигини тушунтиради. «Ўқув қуролларидан нолиш йўқ, муаллимлар етарли. Ҳар бири жон куйдириб, зиммасида алоҳида масъулият ҳис қилиб, ўз бурчини адо этади доим», дейди.

— Балли, тақсир, — дейди кейин унга, — бизнинг эҳтиёжларимиз борасида шунчалар азият чекибсиз, лутфан фидойилик кўрсатибсиз, минг ташаккур! Тангри сизнинг мартабангизни бундан ҳам зиёда қилсин!

Домла Элбек мийиғида кулиб қўяди-да, шеър билан унга жавоб қилади:

**— Кундалик ҳаётим —**
**учар қанотим**
**Мени илгарига суриб**
**бормоқда.**
**Ўтмишим, ёшлигим —**
**чарс асов отим**
**Кейинда қолмоқда,**
**чарчаб, ҳормоқда...**

Бу тўртликни ўзича тушунган дадам суппага ўрин солиниб, пашшахона тутиб қўйилган томон ишора қилган тариқа таклиф билан мурожаат қилади:

— Ҳийла толиққан кўринасиз, домла, андак мизғиб, тиним олмайсизми?

— Йўқ, — дейди домла Элбек, мазкур замзамаларимни чарчашга йўқманг, мулла. Мен мана бу азамат билан бир отамлашиш ниятим бор.

Шундай дедию, бажонидил чой ташиш бурчини ўтаётган менга ишора қилиб, ёнига чақиради. Қайси мактаб, нечанчи синфда ўқишим, баҳоларим билан қизиқади. Саволларига бурро-бурро жавоб қиламан. Гап орасида аълочилигимни ҳам қистириб ўтаман. Домла мамнун жилмаяди. Сўнг яна сўрайди:

— Шеър мутолаасига қалайсан?

Мен ўқиш китобимиздан ёдлаб олган бир байтни ўқиб бераман:

**— Гудок қичқирди,**
**ишга чақирди,**
**Тур, энди ётмо,**
**уйқуга ботмо...**

— Ўзинг-чи, ўзингнинг шеър ёзишга иштиёқинг қалай, унчамунча машқ қилиб турарсан?

Мен негадир лавлагидай қизариб, ерга қарайман:

— Ёзаману ёзганларим унчаликмас-да, — дейман бир ёмон иш қилиб қўйган боладай эшилар-эшилмас оҳангда, ичимдан қалтираб.

Домла айнан муродига етгандай шодиёна бир кайфиятда бирон нима ўқиб беришимни сўраб, қисталангига олади. Бошқалар ҳам унга қўшилиб, «қани, эшитайлик»ка тушиб кетишади.

Мен синфдошларимни танқид қилиб ёзган, кейин мактаб деворий газетасида эълон қилинган, ҳозирги кунда жуда жўн ва ибтидоийдай туюладиган машқимни ўқиб беришга мажбур бўламан:

***— Ўртоқлар хуш***
***келдингизлар,***
***Менга ҳам сўз***
***берингизлар,***
***Бир оз танқид***
***қилмоқчиман,***
***Қулоқ солиб турингизлар.***

***Баъзи бола жуда қизиқ,***
***Дафтарида юзта чизиқ.***
***Дафтарига қараб бўлмас,***
***Хат ёзади қинғир —***
***қийшиқ.***

***Болалар бўлманг бемаза,***
***Дафтарни сақланг озода.***
***Агар бўлмаса озода***
***Ҳамма қилади овоза...***

Барча баробар қарсак уриб юборишади. Йўлдош ака нимадир деб нуқсон топишга оғиз ростлаган эди ҳамки, Шариф домла унинг оёғини босиб қўяди.

— Бунинг одам бўладиган-ку, Муҳиддинхон, — дейди ўқишимдан мамнун бўлган домла, дадамга қараб, сўнг ундан жавоб кутмасданоқ мендан сўрайди:

— Исминг надур?

— Жонрид, — дейман, — ўзимни тутиб олиб, лекин андак тутилган алфозда.

Домла Элбекнинг ҳайрат ифодаси чеҳрасига тепади:

— Нима учун Жонрид? Ким қўйган бу отни?

Ҳамма Шариф домлага қарайди. Чунки исмим қўйилишига айнан у дахлдорлигидан барча хабардор эди.

Туғилган йилим оппоқдадам номимни Абдусамад деб қўйган бўлса-да, туғилиш гувоҳномаси олар чоғимда Сўфизода Америка ёзувчиси Жон-Риднинг Наби Алимуҳамедов таржимасида нашр этилган «Ер юзини титратган ўн кун» китобини олиб келиб, дадамга туҳфа қилади. Ўз навбатида дадам: «Бу улуғ одам, мазкур китобни тақдим этишида хосиятли ҳислат бўлиши керак, — дея отимни Жонрид деб ёздириб гувоҳнома олади. Худди шу гапни диққат билан эшитган домла Элбек тўсатдан тутақиб кетади ва дейди:

— Чакки қилгансизлар, ҳали бу ном туфайли бола бояқиш кўп озор чекишлигини ўйламабсизлар-да? Гапимнинг маъниси шуки, бу ном «даҳо»га хўш келмаган ҳеч қачон... «Даҳо» деб у Сталинни назарда тутарди. Дарвоқе, мазкур китобда унинг номи ҳатто эсланмагани учун. Жон-Риднинг ҳокини Кремл деворидан олиб ташлаш ҳақида бир неча бор сафдошларига эслатган экан). Абдусамад, яъни Абду-ас-Самад... Бунинг нимаси ёқмаган эди сизларга? Ҳар бир миллатнинг ўзига мансуб исми шарифи бўлмоғи даркор. Бунда ҳикмат кўпдир!..

Шу ерга келганда муҳтарам газетхондан узр сўраб андак чекиниш қилсам жўяли бўлармикин? Демоқчиманки, ўша пайтлар домланинг башоратли сўзларига унча эътибор бермаган эдим. Кейинчалик эса у фикрида қанчалик ҳақлигига тан берганман. 1950 йили САГУ (ҳозирги ТошГУ)нинг биринчи курсида таҳсил кўрардим. Шу йили мактабдалик чоғларимда ёзган шеърларимни саралаб, «Матқабдошларим» номи билан нашрга тайёрлайман. Ўзбекистон Давлат нашриёти болалар бўлимининг етакчи муҳаррирлари Шукур Саъдулла, Илёс Муслим ва ўша маҳаллар бўлим бошлиғи вазифасида ишлаётган шоир Пўлат Мўминга маъқул тушади. Шартнома тузиб, қалам ҳақининг олтмиш фоизини олишга ҳам муяссар бўламан. Бироқ китоб босмага тушар чоғда тутиб қолингани, Марказқўм нашр режасидан уни олиб ташлагани ҳақида Пўлат акам менга хабар беради.

— Қайси ақли расо қўйганди сенга бу номни? — дейди куйиниб, — ўзимизнинг ўзбекча номлар қуриб кетганмиди?

Ана шунда мен Элбек домлани қайта эсладим. Шундай доно одамларимиз бегуноҳдан-бегуноҳ қатағонга учраганликларини ўйлаб, қаттиқ ранжидим.

Ўша йили Пўлат ака ҳам ишдан кетди. Мен эса шу номим туфайли яна жиддийроқ бирон панд еб қолишдан чўчиб, тўрт йилгача юрагимни ҳовучлаб юрдим. Факультетимизнинг декан ўринбосари вазифасида ишлаётган Турсун Собировдай ҳурматли олим ҳам мени кабинетига чақириб, «автобиографиянгиз чатоғ экан», дея университетдан ҳайдалишимни шипшитади. Минг қатла шукурки, ўшанда ҳозирги кеча-кундузда «Халқ сўзи» газетасида хатлар бўлими муҳаррири бўлиб ишлаётган Исмоил Сулаймонов билан марҳум журналист Маҳмуд Яхёев бошлиқ ҳамкурсларим кор келади. Улар бутун факултет талабаларини аёққа турғизиб, мени ҳимояга оладилар, курашадилар. Натижада мен қувғин бўлиш фалокатидан қутулиб қоламан. «Мактабдошларим» эса «даҳо» вафотидан кейин — 1954 йили Илёс Муслим муҳаррирлигида нашр этилади. Ўзимнинг фойдамга шуни ҳам айтишим керакки, ўшанда яна иккинчи бора олтмиш фоизли қалам ҳақи олиш насиб этади менга...



**Давоми бор**

